2018 йил 10 февраль, шанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 28 (13.625)

Баҳоси эркин нархда

## БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ОБОДЛИК, БУНЁДКОРЛИК ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

**Президент Шавкат Мирзиёев 9 февраль куни Тошкент шаҳрида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида пойтахтимиз туманларида бўлди.**

Тошкент шаҳрида сўнгги йилларда мисли кўрилмаган бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бугун пойтахтимиз том маънодаги қурилишлар майдонига айланган. Янгидан-янги иншоотлар, корхоналар, тиббиёт ва таълим муассасалари, спорт мажмуалари, равон йўллар, кўприклар, маҳалла гузарлари, бозорлар, боғлар, хиёбонлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу борадаги ишлар Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида жадаллик билан давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари дастлаб Тошкент метрополитени Юнусобод йўналишидаги 2-босқич қурилиш ишларини кўздан кечирди. Шавкат Мирзиёев бу каби мураккаб жараён нафақат маблағ, балки ақлий меҳнат ва юксак маҳорат, чуқур билим ва тафаккур, юқори технологияларни талаб қилишини таъкидлади.

Қурилишга 200 дан ортиқ ишчи ва муҳандис, 40 та техник восита ва механизм жалб этилган. Метро қурилишига Германиядан ер ости туннелини қазийдиган комплекс, бурғулаш ва темир-бетон қозиқ қоқиш техникаси, шунингдек, ГФР ва Хитой кранлари олиб келинган.

Қурилаётган метро участкасининг узунлиги 2,9 километр бўлиб, уни 2019 йилда фойдаланишга топшириш мўлжалланмоқда.

Президентимизга метро бекатларининг дизайни ва қиёфаси, уларни замонавий ва миллий анъаналар асосида қуриш ва безаш бўйича маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари метро қурилишида ишлатилаётган энг замонавий техник воситалар билан таништирилди.

Шу ернинг ўзида Тошкент шаҳри метрополитенини ривожлантириш ва кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳам маълумот берилди.

Шавкат Мирзиёев пойтахтимизда барпо этилаётган "Наврўз" истироҳат боғи лойиҳасини кўздан кечирди.

Наврўзи олам – халқимизнинг энг қадимий миллий байрами. Юртимизда каттаю кичик барча шарқона янги йил бўлмиш ушбу айёмни орзиқиб кутади. Эзгулик, меҳр-мурувват, хайр-саховат айёми қалбларга олам-олам сурур ва орзу-ҳаваслар бахш этади.

Жорий йилда ҳам Наврўз байрамини кўтаринки руҳда, умумхалқ сайли тарзида нишонлаш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз ташаббуси билан Тошкент шаҳрининг Абдулла Қодирий, Шароф Рашидов ва Лабзак кўчалари кесишган жойда "Наврўз" боғи барпо этилмоқда.

Боғ учун 32 гектар ер ажратилган бўлиб, бу ерда 6 минг кишилик усти очилиб ёпиладиган амфитеатр, диаметри 72 метрлик чархпалак, ҳар бир вилоят аҳолисининг ўзига хос урф-одатлари, аждодларимизнинг яшаш тарзи, миллий ҳунармандлик, пазандалик анъаналарини акс эттирувчи уйлар қурилади. Бу ерга келган хорижий делегациялар аъзолари ва сайёҳлар аждодларимизнинг ўзига хос бой маданий мероси, фольклори, этнографияси, кийиниш маданияти, санъати билан танишиш, ҳар бир ҳududнинг лаззатли таомларидан татиб кўриш имкониятига эга бўлади.

Жорий йилдан бошлаб халқимизнинг Мустақиллик, Наврўз каби улуғ байрамлари мазкур боғда ўтказилади. Бундан ташқари, мажмуада оммавий сайиллар, концертлар ташкил этиш учун барча шароит яратилади. Истироҳат боғи марказига қуёш шаклида Наврўз рамзи ўрнатилади. Мажмуа 2019 йили тўлиқ қуриб битказилади.

"Наврўз" боғидан Анҳор канали узра учта пиёдалар кўпригини бунёд этиш мўлжалланган. Боғ чети "Анҳор-Локомотив" паркига туташиб кетади. Одамлар бу кўприклардан амфитеатрга кириб келади, Анҳор канали бўйлаб сайр қилиш имкониятига эга бўлади.

Мазкур боғ Наврўз байрамимизни тараннум қиладиган, миллатимизнинг ўзлигини кўрсатадиган марказ бўлади, деди Президентимиз. Боғнинг ҳар бир элементида, ҳар бир қарич ерида халқимизнинг маданияти уфуриб туриши зарур. Бунинг учун Анҳор канали бўйларига Тошкент шаҳри туманлари, вилоятларимиз учун ўринлар ташкил қилиш керак, токи ҳудудлар бу ерда ўзининг асл анъаналари, баҳорий удумларини намойиш этсин. Юртимизга келган сайёҳлар аввал Ислом цивилизацияси марказига, сўнг бу ерга келиб, халқимизнинг бой маданий мероси билан танишсин.

Давлатимиз раҳбари боғ ҳудудини ободонлаштириш, манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтказиш, Анҳор бўйида қайиқлар бекати бунёд этиш, мажмуада аҳоли, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтиришга хизмат қиладиган саҳна асарлари намойиш этишни ташкиллаштириш юзасидан мутасаддиларга зарур тавсиялар берди.

Шу ерда Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳудудида Мусиқа санъати профессор-ўқитувчилари малакасини ошириш марказини бунёд этиш лойиҳаси тақдимоти ҳам ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Олмазор тумани Қичқириқ канали бўйида маданият ва истироҳат боғи барпо этилиши режалаштирилган. Бу ерга ташриф асносида Шавкат Мирзиёевга мазкур парк лойиҳаси юзасидан маълумот берилди. Маълум қилинганидек, боғда болалар ва спорт майдончалари, замонавий аттракционлар ташкил этилади. Абдулла Қодирий ва Чўлпон номидаги кутубхоналар, Нуронийлар маскани қурилади.

Президент кутубхоналарнинг пойтахт мактаблари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш, Абдулла Қодирий ва Чўлпон ижодини ёшларга чуқур ўргатиш зарурлигини таъкидлади. Аҳолининг дам олиши учун қулайликлар яратиш, хусусан, Нуронийлар масканида чойхона ва аския маркази ташкил қилиш, яқин жойда поликлиника барпо этиш бўйича кўрсатмалар берди.

Боғ билан танишув чоғида Шавкат Мирзиёев пойтахтимизда "Хавфсиз шаҳар" концепцияси доирасида олиб борилаётган ишлар билан танишди. Давлатимиз раҳбари уйма-уй юриб, одамлар билан суҳбатлашиш, уларнинг муаммоларини ҳал қилишга кўмаклашиш, иш ўринлари яратиш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш зарурлигини таъкидлади.

Президент Шайхонтоҳур туманидаги "Сузук ота" мажмуасида олиб борилаётган қурилиш ишлари билан танишди.

Маълумки, давлатимиз раҳбари 2017 йил 26 май куни бу масканда бўлиб, мақбара ва масжидни реконструкция қилиш, атрофини ободонлаштириш бўйича топшириқлар берган эди.

Манбаларда келтирилишича, 1363-1364 йилларда Соҳибқирон Амир Темур Аҳмад Яссавийнинг набираси Сузук ота қабри устида мақбара ва масжид бунёд эттирган.

Айни пайтда бу ерда бунёдкорлик ва реконструкция ишлари давом этмоқда. "Ижод-Ижод" хусусий корхонаси томонидан масжиднинг гумбаз қисмига ўзгартириш киритилиб, тарихий хонақоҳ билан уйғунлаштирилган, 900 кишига мўлжалланган айвон қурилиши режалаштирилган. Шунингдек, ҳунармандлар учун устахоналар, автотурарғоҳ ва бошқа иншоотлар барпо этилмоқда. Чиллахона тикланаётир. Қурилиш ишлари жорий йилнинг 1 сентябрида якунланиши мўлжалланган.

Президент масжидни миллий меъморлик анъаналари асосида бунёд этиш ва бу ерда зиёратчилар учун кенг қулайликлар яратиш бўйича топшириқлар берди.

Шавкат Мирзиёев Чилонзор туманидаги Бизнес-марказида юқори ва тежамкор технологияларга асосланган "High Tech City" шаҳарчаси қурилиши лойиҳаси билан танишди. Жанубий Кореянинг "Posco Daewoo" компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилиши режалаштирилаётган мазкур лойиҳанинг қиймати 1,4 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

"High Tech City" шаҳарчаси ҳудудида халқаро бизнес-марказ, кўп қаватли турар жойлар, илмий ишлаб чиқариш кластери, юқори технологияларни ривожлантиришга ихтисослашган институт, политехника коллежи, савдо шохобчалари, маданий кўнгилочар иншоотлар, меҳмонхона ва бошқа ижтимоий объектлар қурилиши мўлжалланмоқда.

Шавкат Мирзиёев Чилонзор туманидаги Бунёдкор ва Чўпонота кўчалари кесишмасида "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятига қарашли "Кўприк қурилиш трести" корхонаси томонидан бунёд этилаётган йўл ўтказгич қурилишини кўздан кечирди. Мазкур ўтказгичда автомобиллар ҳаракати 6 йўлакдан иборат бўлади. Айни пайтда қурилиш ишларига 30 дан ортиқ техника воситалари, турли мураккаб машина ва механизмлар, 200 дан зиёд малакали муҳандис ва ишчи жалб қилинган.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳридаги бунёдкорлик ишлари билан танишуви жараёнида Чилонзор туманида барпо этилаётган янги масжидга ташриф буюрди. Президент ушбу масканга шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф номини беришни таклиф қилди.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф нафақат юртимизда, балки бутун ислом оламида тан олинган олим эди, деди Шавкат Мирзиёев. Ҳаётини муқаддас динимиз арконларини ўрганиш ва тарғиб этиш, халқимиз, ёшларимизни диний маърифат руҳида тарбиялашга бағишлаган эди.

Президент Сергели туманидаги кўп қаватли янги уй-жойлар қурилиши билан ҳам танишди.

Лойиҳага асосан 5 минг 40 хонадонли 7 қаватли уйлар қурилиши белгиланган. 120 та уйнинг ҳандаги қазилди. 8 та уйнинг учинчи, 33 та уйнинг биринчи қаватида ғишт териш ишлари олиб борилмоқда. 20 тасида плита ётқизиш, 59 тасида пойдевор қўйиш, блок териш ва металл ишлари бажарилмоқда. Қурилишга 6 мингдан зиёд мутахассис, 450 дан зиёд махсус техника жалб этилган.

Лойиҳалаштириш ишлари "Қишлоқ қурилиш лойиҳа" институти, "ТошуйжойЛИТИ" АЖ, "Ташгипрогор" АЖ, "Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ" АЖ томонидан амалга оширилмоқда.

Алоҳида таъкидлаш керакки, янги уйлар мамлакатимизда ишлаб чиқарилган қурилиш материалларидан барпо этилмоқда. Уларнинг теварагида мактаблар, дам олиш жойлари, болалар майдончалари, автомобиль турар жойлари ва бошқа инфратузилма объектлари қурилиши кўзда тутилган.

Шавкат Мирзиёев топшириғига асосан 8 та уйнинг биринчи қаватида мактабгача таълим муассасалари, 3 та уйнинг пастки қаватларида оилавий поликлиникалар жой олади. Шу тариқа қурилаётган янги массив аҳолиси учун қулайликлар янада кўпаяди.

Янги уйларни жорий йилнинг сентябрь ойида ўз эгаларига топшириш режалаштирилган.

Давлатимиз раҳбари қурувчилар билан мулоқотда хонадон соҳиблари учун барча шароитлар яратиш лозимлигини, бунинг учун қурилиш, дизайн, инфратузилма каби соҳаларни ҳар томонлама ўзлаштирган, уларнинг узвий боғлиқлигидан келиб чиқиб ишлайдиган етук кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади. Қурилиш ишларини белгиланган муддатда сифатли қилиб якунлаш бўйича топшириқлар берди.

**ЎзА**

**Алишер Навоий таваллудининг 577 йиллиги**



## БУЮК БОБОКАЛОНИМИЗ АЛИШЕР НАВОИЙ МАНГУ БАРҲАЁТ

***Улуғ мутафаккир, сўз мулкининг султони Алишер Навоийнинг бой маънавий мероси асрлар оша бутун башариятни ҳайратга солиб, инсонлар қалбига, онгу шуурига эзгулик, инсонпарварлик, саховат, меҳр-мурувват зиёсини таратиб келмоқда. Мамлакатимизда улуғ бобокалонимизга эҳтиром кўрсатиш, асарларини ўрганиш, уни дунёда кенг тарғиб этишга доимий эътибор қаратилмоқда.***

9 февраль куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида шоир таваллудининг 577 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, ижодий уюшмалар ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари, навоийшунос олимлар, адиб ва шоирлар, ёшлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, навоийшунос олим У.Жўрақулов ва бошқалар мамлакатимизда мустақиллик йилларида шоир хотираси абадийлаштирилгани унинг жаҳон адабиёти хазинасига қўшган буюк ҳиссаси ҳамда чексиз истеъдодига бўлган юксак ҳурмат ифодаси эканини таъкидлади.

Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий дунё адабиёти тарихида тенги топилмас бир сиймо ҳисобланади. Истеъдодининг улуғворлигию теранлиги жиҳатидан ҳам, халқпарвар давлат арбоби сифатида жамиятда тутган юксак мавқеи юзасидан ҳам, илм-фан, маданият ва санъат, адабиёт аҳлига кўрсатган ҳомийлиги жиҳатидан ҳам ўхшаши йўқ сиймо.

Буюк мутафаккир бобомизнинг энг муҳим мақсади ва асл маслаги инсон кўнглини обод этиш эди:

Кимки бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,
Онча борким, Каъба вайрон ўлса обод айлагай...

Бугун юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари буюк аждодимизнинг ўлмас бунёдкорлик ғоялари унинг авлодлари томонидан муносиб давом эттирилаётганидан далолатдир.

– Буюк бобокалонимиз Мир Алишер Навоийни бугун бутун дунё эътироф этади, – дейди Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедов. – У зотнинг сиймоси мангу барҳаётдир. Мен Алишер Навоий сиймосини гавдалантириш бахтига муяссар бўлганимдан бағоятда шодман. Ҳазратнинг юксак руҳий-маънавий қиёфасини очиб бериш катта масъулият юклайди. Халқимиз шеърхонликни яхши кўради, адабиётни севади, Алишер Навоийни мангу ардоқлайди.

Дарҳақиқат, Алишер Навоийни қанчалар юксакларга кўтарсак-да, таърифига сўз топиш мушкул. Кўплаб улуғ аждодларимиз у зот ҳақида бебаҳо фикрларини баён қилган. Жумладан, унинг дўсти, мухлиси Ҳусайн Бойқаро "Анинг назми васфида тил қосир ва баён ожизтурур", деса, Давлатшоҳ Самарқандий "Бу улуғ амир дину давлат ҳомийси, шариат ҳамда миллатнинг пушти паноҳидир", дея таъриф берган.

Ўзбекистон халқ ҳофизлари А.Иброҳимов ва Б.Дўстмуродов ижросида Алишер Навоий ғазалларига басталанган қўшиқлар янгради. Ёш шоир Б.Элмурод Ҳазрат Навоийга бағишлаб ёзган шеърини, актёр С.Сатторов Алишер Навоийнинг "Ғаройиб ус-сиғар" девонини кўчирган котиб Муҳаммад Юсуф ибн Уста Қаландар Марғинонийнинг улуғ шоирга бағишланган мадҳиясини ўқиб берди.

Тадбир иштирокчилари Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.Акмалов иштирок этди.

* * *

Шу куни пойтахтимиздаги Шоирлар хиёбонида ҳам буюк бобокалонимиз таваллудига бағишланган мушоира бўлиб ўтди. Унда ёзувчи ва шоирлар, олимлар, талаба ва ўқувчи-ёшлар қатнашди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари С.Саййид, навоийшунос олим А.Қаюмов ва бошқалар Алишер Навоийни ўқиш ва уқиш, ўрганиш, тарғиб қилиш, айниқса, ёшларимизга ўзлигини англатиш, маънавиятини юксалтириш, уларни ватанпарварлик, юртга садоқат руҳида, умуминсоний ғоялар асосида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидлади.

– Алишер Навоийнинг таваллуд айёми халқимиз, бутун дунё учун адабиёт байрами десак арзийди, – дейди ёш шоир Баҳодир Баҳром. – Боиси, Алишер Навоий ўзининг ижоди, инсоний ғоялари билан бутун дунёда эзгуликни, инсонпарварликни, яхшиликни тараннум этган. Ҳазратнинг сўз мулкининг султони, деб аталиши ҳам бежиз эмас. Шу пайтгача дунё адабиётида улуғ мутафаккир бобомизчалик бирон ижодкор ўз ижодида кўп ва хўб сўз ишлатган эмас. У кишининг маънавий мероси халқимиз учун битмас-туганмас хазинадир.

Алишер Навоий асарларидан намуналар ўқилди. Фаол ўқувчиларга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан китоблар совға қилинди.

Буюк шоир таваллудига бағишланган адабий-маърифий тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири**

virtual.vto@umail.uz,
gazeta-vto@umail.uz



Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашида

# ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

***Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги ўттиз биринчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия ишини халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши раиси, шаҳар ҳокими Р.Усмонов олиб борди.***

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) Тошкент шаҳридаги минтақавий вакилининг фаолияти, Тошкент шаҳар Давлат солиқ бош бошқармасининг 2017 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи ва 2018 йилдаги вазифалари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 июндаги "Соғлиқни сақлаш органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорининг Тошкент шаҳридаги ижроси ва бошқа масалалар атрофлича кўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги миллий қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга кўмаклашиш, уларга риоя этилиши мониторингини амалга ошириш, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш, аҳолининг ва давлат органлари вакилларининг ҳуқуқий онги ва хабардорлигини ошириш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш Омбудсман фаолиятининг асосий йўналишлари ҳисобланади.

Ўтган давр мобайнида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Тошкент шаҳар минтақавий вакиллиги ўз фаолиятини, Халқ депутатлари Тошкент шаҳар доимий комиссиялари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва шунингдек, ташкилотларнинг Тошкент шаҳар бошқармалари билан яқин ҳамкорликда амалга оширди.

Омбудсманнинг фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш ва уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш бўйича фаолияти "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида"ги, "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги ҳамда "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонунлар нормаларига қатъий мувофиқликда амалга ошириб келинмоқда.

Ўтган 2017 йил давомида Омбудсманнинг Тошкент шаҳар минтақавий Вакилига фуқаролардан жами 130 та мурожаатлар келиб тушган бўлиб, шундан 4 таси Республика Омбудсманининг котибиятидан, 4 таси жазони ижро этиш муассасаларидан, 6 та мурожаат такрорий ва 116 та мурожаат минтақавий вакиллик ходимларининг шахсий қабулига тўғри келади.

Фуқаролардан умумий келиб тушган мурожаатлар мазмунининг асосий қисми, фуқаролик ишлари бўйича суднинг қароридан норозилик тўғрисида, суд қарорининг ижро этилмаётганлиги, нафақа ва моддий ёрдам олиш масаласи, оилавий ва маиший масалалар, уй-жой олиш масалалари ҳамда коммунал хизмат кўрсатиш соҳасига тўғри келади.

Фуқаролардан келиб тушган мурожаатларнинг мазмун ва моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, минтақавий вакиллик томонидан ишчи гуруҳлари тузилиб, жойларга чиқиб ёки ариза муаллифлари ҳамда ушбу ишга алоқадор юридик шахсларни вакилликка жалб қилиб, муаммоларни ўрганиш билан бирга, кўриб чиқиш ва ҳал этиш учун жами 60 та мурожаатлар 30 га яқин мутасадди ташкилотларга юборилган. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Тошкент шаҳар прокуратураси, Ички ишлар бош бошқармаси, Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди, пенсия жамғармаси, Мажбурий ижро бюроси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди шулар жумласидандир.

Сессияда Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармасининг 2017 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи ва 2018 йилдаги вазифалар тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинди.

Тошкент шаҳар ва туман давлат солиқ идоралари раҳбарларининг маҳаллий бюджетлар даромадларининг бажарилиши ҳолати, улар томонидан қўшимча резервларни аниқлаш бўйича қилинган ишлар, шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар кесимида бюджетга ҳисобланиши ва тўланиши, солиқ қарзини қисқартириш тўғрисида ҳисоботларининг халқ депутатлари шаҳар ва туман Кенгаши сессияларида ҳар чоракда тинглаб борилиши белгилаб қўйилди.

Давлат солиқ сиёсатини амалга ошириш ва солиқ қонунчилигига, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланишига, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишига риоя қилиниши юзасидан таъсирчан назоратни таъминлаш, пул маблағларининг ноқонуний айланиши манбаларига барҳам бериш, аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд пул тушумларининг ўз вақтида ва тўлиқ топширилиши юзасидан тизимли назоратни олиб бориш масалалари атрофлича кўриб чиқилди.

Шунингдек, бозорлар ва савдо комплексларининг молиявий-хўжалик фаолияти, улар томонидан солиқ қонунчилигига риоя этилиши юзасидан қатъий назоратни амалга ошириш, солиқ хизмати органларини ҳалол, юқори малакали ходимлар билан таъминлаш, коррупция ва ишга расмиятчилик билан ёндашиш ҳолатларига кескин барҳам бериш ишларини тизимли амалга ошириш вазифалари қўйилди.

Бундан ташқари, солиқ солишнинг янги объектлари ва солиқ солинадиган базани кенгайтириш бўйича ахборотларни тақдим этиш мақсадида Ер ресурслари ва давлат кадастри, статистика, адлия, прокуратура органлари, судлар, "Электр тармоқлари корхонаси" АЖ ва "Ўзтрансгаз" АКнинг "Тошкентшаҳаргазтаъминоти" филиали корхоналари ҳамда бошқа манфаатдор ташкилот ва идораларни солиқ органларининг Ягона интеграциялаштирилган ахборот ресурс базасига интеграция қилиниши чоралари кўрилди.

Маълумки, мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, бирламчи тиббий-санитария ёрдамини янада такомиллаштириш, оилавий поликлиникалар ва бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, аҳолини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш тизимини тубдан такомиллаштириш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан соғлиқни сақлаш соҳаси мутахассислари билан бўлиб ўтган бир неча муҳим учрашувларда соғлиқни сақлаш тизимида мавжуд бир қатор муаммолар ва ўз ечимини кутаётган масалаларга эътибор қаратилиб, бу борада, хусусан, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш, аҳолига бундай ёрдамнинг ўз вақтида ва юқори сифатли бўлишини таъминлаш, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланишни йўлга қўйиш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий қилиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 июндаги "Тошкент шаҳри аҳолисига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда унинг самарадорлиги учун раҳбарлар ва мутахассисларнинг касбий масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишларни сифат жиҳатидан янада яхшилашга хизмат қилмоқда.

Кўрилаётган чораларга қарамасдан тиббиёт муассасалари бош шифокорлари ва уларнинг ўринбосарлари ҳамда бевосита хўжалик ишлари юклатилган ходимларнинг масаланинг долзарблигини инобатга олган ҳолда унинг оқибатлари нималарга олиб келишини англамаганлари ачинарли ҳол.

Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тизимидаги тиббиёт муассасаларида юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар билан таъминланиш ҳолати ҳозирги замон талабларига жавоб бермайди. Стационар муассасаларда дори-дармон воситалари учун ажратилган давлат бюджети маблағларининг қарийб 2 баробарга оширилишига қарамасдан беморларнинг дори-дармонга ва тиббий буюмларга бўлган эҳтиёжи 50 фоизга қондирилмоқда.

Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам кўрсатиш клиник шифохонаси, онкология диспансери, Шайхонтоҳур туманидаги 4-сон шаҳар болалар клиник шифохонаси, Бектемир туманидаги марказий кўп тармоқли поликлиникаси, Тошкент шаҳар 2-сонли болалар жарроҳлик клиник шифохоналари фаолияти ўрганилганда уларнинг моддий-техника базаси эскирганлиги, койкаларнинг ҳолати талаб даражасида эмаслиги, беморлар учун палаталарнинг етарли эмаслиги, рўйхатга олиш бўлимларида электрон навбатга қўйиш тизими жорий этилмаганлиги каби ҳолатлар мавжудлиги ойдинлашди.

Шайхонтоҳур туманидаги шаҳар перинатал марказининг 1-Акушерлик бўлимида 92 тўплам янги юмшоқ жиҳозлар мавжуд бўлса-да, бўлимдаги 50 ўринда даволанаётган 45 нафар беморлар ўзларининг шахсий юмшоқ жиҳозларидан фойдаланаётган экан, қолган 5 нафар беморларга ишлатишга яроқсиз эски юмшоқ жиҳозлар тарқатилган.

Миробод туманидаги 3-сонли оилавий поликлиника фаолияти ўрганилганда ҳомиладор аёллардан бири ўзини поликлиникага рўйхатга қўйиш мақсадида икки соатдан бери навбат кутиб ўтирганлиги аниқланди.

Сергели туманидаги марказий кўп тармоқли поликлиниканинг кундузги шифохонаси соат 14:00 да ишламай берк ҳолда эканлиги ва беморларнинг навбатда турганини ҳамда бинода иситиш тизими яхши ишламаётганлиги, совуқлиги сабабли шифокорлар ҳам кийимларни ечмасдан ишлаётгани беморларга ноқулайлик туғдирмоқда.

Бундан ташқари, тиббиёт муассасаларида фаолият олиб бораётган ходимларнинг беморларга нисбатан қўпол муносабатда бўлиши ҳолатларига ҳозиргача барҳам берилмаган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси зиммасига мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича ишларни жадаллаштириш, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг фаолиятини такомиллаштириш ва янада яхшилаш мақсадида қўшимча дастурлар ва аниқ йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиққан ҳолда таъсирчан мониторинг олиб бориш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, аниқланган камчиликларни ҳар томонлама ва чуқур таҳлил қилиш, айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш ва келажакда бундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун зарур чораларни кўриш, оилавий поликлиникаларда фуқароларнинг кутиш ҳолатларининг олдини олиш мақсадида икки ҳафта муддатда чора-тадбирлар дастурини қабул қилиш ва амалга оширилишини таъминлаш лозимлиги белгиланди.

Бундан ташқари, поликлиникага бириктирилган фуқаролар тиббий амбулатор карталарининг электрон рўйхатини тузиш ва амбулатор карталарни электрон шаклга ўтказиш, поликлиникаларни "Ўзбектелеком" АЖ кўмагида оптик шиша толали алоқа кабели орқали шаҳар телефон тармоғига ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг корпоратив ахборот тизимига улаш, оилавий поликлиникаларда жорий этилган фуқароларнинг Интернет тармоғи орқали навбатга туриши тизимини, яъни "электрон навбат" технологиясини кенг жамоатчилик орасида тарғиб қилиш вазифалари қўйилди.

Патронаж хизматининг сифатини яхшилаш, патронаж ҳамшираларининг фақатгина хонадонларга бориб тиббий кўрикларни ўтказиш билан чекланмасдан, аҳолининг тиббий саводхонлигини оширишини ҳам таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Тошкент шаҳрининг туман марказий кўп тармоқли ва оилавий поликлиникалари зиммасига аҳолига энг кўп учрайдиган касалликларни профилактика қилиш ва даволаш бўйича алоҳида беморлар ҳамда бутун оила даражасида тиббий хизматлар кўрсатиш, аҳолига малакали бирламчи, биринчи навбатда касалликларни профилактика қилиш масалаларида тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш, туғруқ ёшидаги аёллар, ўсмир қизлар, ҳомиладор аёллар, болалар, шунингдек, ёлғиз кексалар, ногиронлар, сурункали касалликларга чалинган беморлар ҳамда ўзгалар кўмагига ва ижтимоий ёрдамга муҳтож шахслар ўртасида доимий патронаж ишларини амалга ошириш вазифалари юклатилди.

Шунингдек, оилавий поликлиникалар раҳбарлари ўзларига бириктирилган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари аҳолиси олдида, туман марказий кўп тармоқли поликлиникалари раҳбарлари – халқ депутатлари туман Кенгаши сессияларида ҳар чоракда ҳисобот беришини таъминлаш бўйича зарур чораларни кўриш белгиланди.

Сессияда кўрилган барча масалалар бўйича халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**(Ўз мухбиримиз)**

# ХАЛҚАРО ҲУҚУҚШУНОСЛАР МУСОБАҚАСИ

***Тошкент шаҳридаги халқаро Вестминстер университетида 8 февраль куни Филипп Жессоп номидаги Халқаро ҳуқуқшунослар мусобақасининг миллий раунди бўлиб ўтди.***

Унда ҳуқуқшунос кадрлар тайёрловчи 3 олий таълим муассасаси – Тошкент шаҳридаги халқаро Вестминстер университети, Тошкент давлат юридик университети ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети жамоалари ўзаро баҳслашди.

Халқаро ҳуқуқшунослар ассоциацияси томонидан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур мусобақа БМТнинг Халқаро адлия суди ҳузуридаги суд жараёни моделига асосланган ҳолда ўтказилади. Халқаро ҳуқуқшунослар мусобақаси 100 га яқин давлатдаги ҳуқуқшуносликка ихтисослашган 650 дан зиёд олий ўқув юртини қамраб олган дунёдаги энг катта суд танловидир.

Мусобақанинг миллий раунди доирасида талабаларнинг халқаро ҳуқуқ соҳасидаги билим ва маҳорати синовдан ўтказилди. Иштирокчилар икки шарт асосида ташкил этилган танловда жаҳондаги етакчи адвокатлар ишлаб чиққан масалаларга даъвогар ва айбланувчи томон позициясидан туриб баёнотлар ишлаб чиқди.

Иштирокчиларнинг дунё ҳамжамияти учун долзарб аҳамиятга эга масалаларга ечим топишга қаратилган жавоблари хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари, халқаро юридик фирмалар вакилларидан иборат ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

– Глобаллашув шароитида интеграция жараёнлари тобора жадаллашаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз, – дейди ҳакамлар ҳайъати раиси, польшалик эксперт, профессор Владислав Цаплинский. – Бу халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан боғлиқ амалиётларнинг ўзаро тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги аҳамиятини янада оширади. Филипп Жессоп номидаги Халқаро ҳуқуқшунослар мусобақаси талаба-ёшларга халқаро ҳуқуқни чуқур ўрганиш, тадқиқ қилиш асосида ижобий ечимларни глобал мувофиқлаштириш учун ўзига хос мулоқот ва тажриба майдони вазифасини ўтайди. Мамлакатингиз халқаро майдонда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган қатор ташаббусларни илгари сураётгани кенг жамоатчилик томонидан ижобий қабул қилинаётир. Ўзбекистонлик ёш ҳуқуқшуносларнинг мазкур танловда қатнашиши келгусида бу борадаги интилишларни халқаро ҳуқуқ органларидан туриб фаол қўллаб-қувватлашда иштирок этиш имконини беради.

Уч раунд давом этган баҳсларда Тошкент шаҳридаги халқаро Вестминстер университети жамоаси биринчи ўринни қўлга киритиб, апрель ойида АҚШнинг Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтадиган халқаро мусобақада Ўзбекистон шарафини ҳимоя қиладиган бўлди. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети жамоаси иккинчи ўринга муносиб топилди ҳамда мусобақанинг якуний баҳсларида меҳмон жамоа сифатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Тошкент давлат юридик университети ёшлари учинчи ўринга лойиқ топилди.

Ғолиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Улуғбек ШОНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири**

***Пойтахтимизда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Бош прокуратура ва Республика коррупцияга қарши курашиш идоралараро комиссияси билан ҳамкорликда "Коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини самарадорлигини ошириш" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.***

# ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК МАҚСАДГА ЕТАКЛАЙДИ

ЎзЛиДеПнинг дастурий ҳужжатларида коррупцияга қарши курашиш масаласига алоҳида аҳамият берилган ҳолда мансабдор шахслар томонидан иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қонунда кўзда тутилган ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонунийликни таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлиги бевосита қайд этилган.

– Мазкур тадбирда ташкилотчилар билан бир қаторда турли вазирлик ва идоралар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари, Савдо-саноат палатаси, Банклар ассоциацияси, Адвокатлар палатаси, "Ижтимоий фикр" ва журналистлар қатнашишди, – дейди тадбир иштирокчиларидан бири Нодира Зикриллаева. – Ўзингизга яхши маълум, фуқаролик жамиятини барпо этиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган ислоҳотларда нодавлат нотижорат ташкилотлари муҳим роль ўйнайди. Айни вақтда мамлакатимизда 9 мингдан зиёд ННТлар, 29 халқаро ва хорижий нодавлат ташкилот филиаллари ва ваколатхоналари ишлаб турганини ҳисобга олсак, бу катта куч, албатта. Шу маънода коррупцияга қарши курашда ҳамкорликни ошириш лозим.

Тадбирда таъкидланганидек, мамлакатимизда ҳали ҳам давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий механизми яратилмаган, бу эса нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг уларга юклатилган вазифаларни ижро этишларини холис баҳолашга тўсиқ бўлмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурида давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш борасидаги муносабатларни тартибга солувчи "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Давра суҳбати доирасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ўртасида коррупцияга қарши курашиш, мазкур соҳада ташкилий-амалий ва ҳуқуқий механизмларни мустаҳкамлаш соҳасида ижтимоий шерикликнинг мазмун-моҳияти ва ўзига хос жиҳатлари очиб берилди.

Баҳс-мунозаралар давомида давлат органлари, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида коррупцияга қарши курашиш соҳасида битимлар ва шартномлар тузиш масалалари муҳокама этилди. Коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмлари ҳамда давлат органларининг коррупцияга қарши курашиш ва олдини олиш бўйича жамоат кенгашларини уларнинг таркибига жамоат ташкилотлари ва ОАВ вакилларини киритган ҳолда ташкил этиш масалалари кўриб чиқилди.

Тадбир якунлари бўйича ЎзЛиДеП ва Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг ижтимоий шериклик доирасида "Йўл харитаси" лойиҳаси тайёрланди, уларни "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси устида иш олиб бориш ва давлат органларининг коррупцияга қарши курашиш ва олдини олиш бўйича жамоат кенгашларини тузиш вақтида эътиборга олиш учун таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди.

**З. ШАРИФЖОНОВ**

# XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

## МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Бухоро вилоятининг Жондор туманидаги парранда гўшти, тухум ва жўжа етиштиришга ихтисослашган "Жондор Чинор Чорва" масъулияти чекланган жамиятида қайта ишлаш цехи иш бошлади. Умумий лойиҳа қиймати 12 миллиард сўм бўлган ушбу цех замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Цех парранда гўштини қайта ишлаб, истеъмолчиларга кунига 2,5 тоннагача дудланган ва қайнатилган колбаса маҳсулоти етказиб бериш қувватига эга.**

**● Сирдарё вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида чақирилувчиларни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига муддатли ҳарбий хизматга кузатиш маросими бўлиб ўтди.**

**● Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судида аҳолининг ҳуқуқий билими ва маданиятини ошириш соҳасида ўзаро ҳамкорлик масалаларига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда туман ва шаҳарлар хотин-қизлар қўмиталари раислари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, ички ишлар идоралари вакиллари, вилоятдаги туманлараро, туман, шаҳар судлари раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.**

**● Қарши шаҳридаги Ёшлар марказида "Суд, ҳуқуқ ва ёшлар" лойиҳаси доирасида учрашув бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши ўртасида имзоланган ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандумнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида атрофлича сўз юритилди.**

## ЖАҲОНДА

**● Боливияда дарёларнинг ўзандан чиқиб кетиб рўй берган сув тошқинлари натижасида икки киши ҳалок бўлди, 50 мингта оила бошпанасиз қолди. Ҳозирда тошқинлар келтирган зарарни бартараф этиш учун мамлакат армияси ҳам жалб этилган. Табиий офат туфайли мамлакат президенти томонидан фавқулодда ҳолат эълон қилинди.**

**● Францияда эллик нафар ошпазга ошпазлар маҳоратининг олий даражаси ҳисобланмиш энг нуфузли "Мишлен" юлдузлари берилди.**

**● АҚШлик археологлар Гватемаланинг шимоли-шарқида майя тамаддунига оид, аввал фанга номаълум бўлган 60 мингдан ортиқ иншоот изларини топишди. Олимларнинг фикрича, кўплаб суғориш каналлари, йўллар, қалъа ва эҳромлар қолдиқлари қадимда бу ерда йирик шаҳарлар бўлганидан далолат бермоқда. Олимлар лидарлар (лазер радарлари) ёрдамида жами 2 минг квадрат километрдан зиёд ҳудудда тадқиқот ишларини олиб боришди. Олинган маълумотлар майя тамаддуни тахмин қилингандан-да кўп ва узоқроқ тарих ва аҳолига эга бўлганини тасдиқламоқда.**

**● Франциялик ихтирочи, экстремал спорт турлари ишқибози Френк Запата одамзоднинг азалий орзуси – қулай ва енгил учар мосламада кўкка парвоз этиш истагини амалга оширди. "Ezfly" (осон парвоз эт) номли учар сегвей иккита вертикал тутқич билан жиҳозланган бўлиб, улар учувчининг мувозанат сақлаши ҳамда ноодатий транспорт воситасини ишончли бошқаришда қўл келади. Ф.Запата синов жараёнини ўтказганида 10 нафар кўнгилли учувчи мазкур қурилмада Техас кўли узра парвоз этди. Бу қурилманинг бошқарув тизими маромига етказилган бўлиб, уни исталган одам қийинчиликсиз бошқаради. Муҳими, у баландлик ва тезликдан қўрқмаса бўлади.**



***Республика Маънавият ва маърифат маркази, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ҳамкорлигида Темурийлар тарихи давлат музейида буюк сиймолар – Алишер Навоий таваллудининг 577 йиллиги ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 535 йиллигига бағишлаб маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.***

# "БЕШ АСРКИМ НАЗМИЙ САРОЙНИ, ТИТРАТАДИ ЗАНЖИРБАНД БИР ШЕР"

Навоий ва Бобур сиймосининг Ватанимиз, хусусан, адабиётимиз тарихида тутган ўрни, уларнинг илмий ва ижодий мероси аҳамиятини кенг тарғиб этиш мақсадида ташкил этилган тадбирда адабиётшунослар, тарихчилар, профессор-ўқитувчилар ва талабалар қатнашди.

Тадбирда "Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур меросининг тасвирий санъат тараққиётига таъсири", "Алишер Навоий Темурий ижодкорлар ҳақида" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

– Буюк шоиримиз Абдулла Орипов "Беш асрким назмий саройни, Титратади занжирбанд бир шер. Темур тиғи етмаган жойни қалам билан олди Алишер" деган сатрларни ёзаётганда "дунёда Алишер Навоийси йўқ халқлар нима қиларкин?" деб ўйлагандир, эҳтимол, – дейди профессор Сайёра Тўйчиева. – Ёки Заҳириддин Муҳаммад Бобурдек "Анда жоним қолди мани, Андижоним қолди мани" дейдиган фарзандлари бор халқ нақадар бахтлидир. Ҳар сафар Навоий ва Бобур мутолаасига киришсам, хаёлимдан шу фикрларни ўтказаман. Атоқли шоиримиз Ғафур Ғулом Ҳиротга сафар қилиб қайтгач, қўлларидаги бир сиқим Ҳирот тупроғини кўрсатганча "Қачон куним битса, қабримга Алишер Навоий мозоридан олиб келган тупроқларимдан сочинглар!" деган сўзларини айтаётганда биз каби ижодкорлар, зиёлиларга ҳазрат Навоийнинг руҳи мададкор бўлишини тилаган бўлсалар не ажаб. Юртимизда Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этилганлигининг ўзи ҳам буюк мутафаккир хотирасига бўлган чуқур ҳурматдан далолат.

– Тадбирни ўтказиш учун айнан Темурийлар тарихи давлат музейини танлашимизнинг ҳам бир қанча сабаблари бор, – дейди ЎзА мухбирига Республика Маънавият ва маърифат маркази етакчи мутахассиси Илҳомжон Ҳайитмуродов. – Дастлаб тадбир иштирокчилари музей бўйлаб экскурсия қилишди, Навоий ва Бобур боболаримиз яшаган даврни яқиндан ҳис этишди. Айниқса, музей фондида сақланаётган экспозициялар орасида юртимиз делегациясининг Ҳиндистонга қилган ташрифи чоғида Ҳиндистон ҳукумати томонидан ҳадя қилинган Бобур девонлари битилган ёзув намуналарининг ҳам борлиги тадбир қатнашчилари эътиборини тортди.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети талабаларининг Навоий ва Бобур ижодидан тайёрланган бадиий чиқишлари иштирокчиларга завқ бағишлади.

**И.АҲАТОВА,**



# НАФОСАТ ГУЛШАНИГА АЙЛАНГАН КЕЧА

***Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида Алишер Навоий таваллудининг 577 йиллиги ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 535 йиллиги муносабати билан назм ва наво кечаси бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан ташкил этилган мазкур нафосат байрамига нуроний отахон ва онахонлар, шеърият, мусиқа мухлислари, маънавият тарғиботчилари, талаба-ёшлар таклиф этилди.

Миллий меросимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, халқимиз, айниқса, ёш авлод маънавиятини юксалтириш, уларни буюк аждодларимизга муносиб инсонлар этиб камолга етказиш, китобхонлик маданиятини янада ривожлантириш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатлар тобора кенг қулоч ёймоқда.

Алишер Навоий ижоди ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларда эзгулик, ватанпарварлик, юртга садоқат каби туйғуларни мустаҳкам қарор топтиришда алоҳида ўрин эгаллайди. Шоир ижоди, унда тараннум этилган инсонпарвар ғоялар асрлар оша бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблигини йўқотмай келмоқда. Айни пайтда шоир ғазал ва рубоийлари мусиқийлиги, оҳангдорлиги, жозибаси, теран маъноси, юксак бадиияти билан дунё олимлари, мусиқашунослари, адабиётшуносларининг эътиборини ҳамон жалб этиб келмоқда.

Мумтоз адабиётимизнинг яна бир йирик намояндаси Бобур наинки беназир шоир, балки тарихчи, географ, давлат арбоби, истеъдодли саркарда сифатида жаҳонда ном қозонган. Бобур ғазаллари унинг нечоғли юксак тафаккур, гўзал қалб, айни дамда нозик дид соҳиби эканидан далолат беради. Ўзи туғилиб ўсган заминга, одамларга, борлиқ-табиатга чексиз меҳр ва эҳтиром, эзгуликка чорлов унинг ижодида устувор ўрин тутгани боис ёш авлод тарбиясида улкан аҳамият касб этади.

Кечада Навоий ва Бобур ғазаллари ва рубоийларидан намуналар ўқилди. Санъат усталари ва ижрочи ёшлар иштирокида мумтоз куй-қўшиқлар ижро этилди.

**Н.УСМОНОВА**

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ — ТАРБИЯНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси ҳамда Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси томонидан "Мактабгача таълим: давлат талаблари, эҳтиёж, замонавий шакллар" мавзусида семинар ташкил этилди.***

Семинарда мактабгача ёшдаги ўғил-қизларга сингдирилган билим ва қадриятлар, таълим-тарбия уларнинг келгуси ҳаётини белгилаб берадиган муҳим омиллардан эканлиги қайд этилди.

Мамлакатимизда мактабгача таълимни ривожлантириш ва самарали фаолият кўрсатишига қаратилган кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ҳамда комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўтган 2017 йилда янги таълим муассасаларини қуриш, мавжудларини таъмирлашга алоҳида эътибор қаратилиб, 107 та мактабгача таълим муассасаси реконструкция қилинди ва қурилди, 195 та боғча капитал таъмирланди.

Хусусий инвесторларнинг ўзига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган биноларда ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим муассасаларининг 2023 йил 1 январгача фойдаланилган электр энергияси ва табиий газ хизматлари учун тўловнинг 50 фоизи давлат бюджети ҳисобидан тўланади. Боғчаларда болаларни соғлом овқатлантириш ва уларга берилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини таъминлаш мақсадида 2018 йилдан бошлаб ҳар бир мактабгача таълим муассасасига 10-15 нафар фермер сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини арзон нархларда етказиб бериш учун бириктирилиши, болалар боғчаларига тайёр сифатли иссиқ овқат етказиб берадиган давлат корхонаси ташкил этилиб, "кетринг" хизматини йўлга қўйиш механизмлари ишлаб чиқилмоқда. Буларнинг барчаси мактабгача таълим тизими фаолиятини тубдан ўзгартириб, болаларнинг мактабгача таълим муассасаларига қамровини кескин оширишга хизмат қилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан жорий йилнинг январь ойида ҳудудларни ривожлантиришнинг энг муҳим вазифаларини ҳал этиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш юзасидан ўрганишлар давомида бу борада амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилиниб, айрим муаммолар ҳам мавжудлиги аниқланган.

Мактабгача таълим муассасаларига болалар қамровини кенгайтиришни таъминлаш, нодавлат мактабгача таълим муассасалари фаолиятини ташкил этишда парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

"Мактабгача таълим тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш, айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклиф ва тавсиялар айтилди.

**Г.САТТОРОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ЖАҲОН МАЪНАВИЯТИНИНГ БУЮК СИЙМОСИ

***Тошкент давлат стоматология институти ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида "Алишер Навоий – жаҳон маънавиятининг буюк сиймоси" мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.***

Буюк бобокалонимиз таваллудининг 577 йиллиги муносабати билан ташкил этилган тадбирда шоир ва ёзувчилар, шеърият ихлосмандлари, маънавият тарғиботчилари, адабиётшунослар, ёш ижодкорлар, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Мамлакатимизда аҳоли, айниқса, ёш авлод маънавиятини юксалтириш, уларни асрий анъаналаримиз, бебаҳо меросимиз ва аждодларимизга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялаш, улуғ сиймоларимизга муносиб фарзандларни улғайтириш энг олий мақсадларимиздан бирига айланди.

Зотан, бизнинг аждодларимиз фақат ўзбек адабиётида эмас, балки жаҳон адабиётида ҳам ўзининг ҳурматига ва салмоқли ўрнига эга бўлган. Хусусан, Алишер Навоий лирик, эпик ҳамда фалсафий асарлари билан адабиёт тарихида чуқур из қолдирди. Шоирнинг асарлари ҳаётлик давридаёқ Хитойдан тортиб Кичик Осиёгача етиб борди ва ҳозир бутун дунё халқлари севиб ўқишмоқда.

Тадбирда Алишер Навоий бобомиз умрининг охиригача ўз ҳаётининг тамойиллари деб билган адолат, ватанпарварлик, инсонпарварлик ғояларига садоқат билан яшаганлиги, бу инсоннинг ижодий ва илмий мероси нафақат миллий маънавиятимиз, балки жаҳон тамаддунида ўз ифодасини топганлиги таъкидланди.

Талаба-ёшлар ва актёрлар ижросидаги ижодий чиқишлар тадбирга ўзгача файз бағишлади.

**Г.БОБОЕВА,**
**ЎзА мухбири**

## Ахборот-коммуникация технологиялари

***Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича "Mirzo Ulugbek Innovation Center" инновация маркази томонидан талабаларнинг АКТ соҳасида мамлакатимиздаги етакчи корхоналарда стажировка ўташини ташкил қилиш ишлари амалга оширилмоқда.***

# ТАЛАБАЛАРГА ТАЖРИБА ОШИРИШ УЧУН 7ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Тошкент шаҳридаги Инҳа университети талабалари бу имкониятдан биринчилардан бўлиб фойдаланиш, ўқиш давомида олган билимларини тажрибада синаб кўриш, маҳаллий АКТ корхоналари фаолияти билан танишиш имкониятига эга бўлди. Амалиёт ўтаётган талаба уч ой мобайнида ўз билим ва кўникмаси, юклатилган вазифаларни бажаришни уддалай олишини намоён қилиши керак. Зеро, буларнинг барчаси уни ишга қабул қилиш ҳақида қарор қабул қилишда ҳисобга олинади.

Университет ректори С.Бобохўжаевнинг таъкидлашича, талабаларнинг мамлакатимиздаги ихтисослашган корхоналарда ишлаб чиқариш амалиётини ўташи уларга ўз иши ва ахборот-технологиялари бозорининг алоҳида хусусиятларини чуқур ўзлаштириш, ҳаётидаги муҳим босқичга қадам қўйиш ҳамда ўз профессионал фаолиятини бошлаш имконини беради. Юртимиздаги ихтисослашган олий ўқув юртлари ва корхоналар ўртасидаги яқин ҳамкорлик алоқалари мамлакатимизда юқори малакали дастурчиларнинг янги авлодини тайёрлашга йўналтирилган.

Тошкент шаҳридаги Инҳа университетининг саккиз нафар талабаси пойтахтимиздаги 2005 йилдан буён интернет-лойиҳалар ва дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган "DataSite Technology" компаниясида тажриба ўтамоқда. Бу ерда талабалар таълим олиш билан бирга, муҳим технологик лойиҳаларни амалга оширишга ҳам жалб қилинган. Бунда уларнинг ҳар бирига ўз йўналиши бўйича малакали мутахассис бириктирилган.

– Талабалар ишимизга тез ва осон мослашиши учун ходимларимиз билан тил топишиш, маҳсулотларимизнинг ишлаб чиқариш спецификаси билан танишишга хизмат қилувчи махсус тренинг ташкил этилди, – дейди ЎзА мухбирига "DataSite Technology" компаниясининг HR-мутахассиси Г.Қорабоева. – Стажировка тугагач, ҳар бир талабанинг ютуғи ва профессионал сифатлари баҳоланади, энг яхши талабаларга компаниямиздан иш таклиф қилинади.

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ижроси доирасида Президентимизнинг 2017 йил 30 июндаги "Республикада ахборот технологиялари соҳасини ривожлантириш учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, мамлакатимизда илк бор Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича "Mirzo Ulugbek Innovation Center" инновация маркази ташкил этилди. Мазкур марказ ахборот технологиялари соҳасидаги хўжалик субъектлари ва дастурий маҳсулот ишлаб чиқувчиларни бирлаштиришга йўналтирилган бўлиб, экстерриториаллик принципи асосида фаолият юритади. Яъни ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги корхоналар мамлакатимизнинг қайси ҳудудида жойлашганидан қатъий назар марказ резидентлари бўлиши мумкин. Ушбу принцип бутун мамлакатимиз бўйлаб ахборот-коммуникация технологиялари маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун янада қулай шароитлар яратди.

Ахборот технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни қўллаб-қувватлаш бўйича "Mirzo Ulugbek Innovation Center" инновация маркази олий таълим муассасалари ва касб-ҳунар коллежларининг "ахборот технологиялари" мутахассислиги бўйича битирувчиларини ишга жойлаштиришни таъминлаш, жумладан, иқтидорли ёшлар томонидан "старт-ап" лойиҳаларини амалга оширишда уларни қўллаб-қувватлаш йўли билан фаол иштирок этмоқда.

**Роман БОНДАРЧУК**

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

М.Улуғбек туманидаги "Ягона дарча" маркази томонидан 26.01.2018 йилда №569533 рақами билан рўйхатдан ўтган, "MUSTAFOQUL OMAD SAVDO" ХК (ИНН 306249587) таъсисчининг 9.02.2018 йилдаги №1 қарорига асосан

**ТУГАТИЛАДИ**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой муддат ичида қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: +99890 933-40-11

**"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"**

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.

**Футбол янгиликлари**

# ЛАУРЕАТЛАР НОМИ МАЪЛУМ БЎЛДИ

***Оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида январь ойининг энг яхши мураббийси ва футболчисини аниқлаш мақсадида ўтказилган сўровнома якунлари эълон қилинди.***

Айтиш жоизки, 2018 йилнинг январь ойи футболимиз учун хайрли бошланди. Хитойда 23 ёшгача бўлган чарм тўп усталари ўртасида ўтказилган Осиё чемпионатида Ўзбекистон олимпия терма жамоаси ғолибликни қўлга киритди. Олимпия терма жамоаси бош мураббийси Равшан Ҳайдаров январь ойининг энг яхши мураббийси деб эътироф этилган бўлса, Олимпия терма жамоамиз таркибида сермазмун ўйин намойиш этиб, қитъа биринчилигининг энг фойдали футболчиси деб топилган "Насаф" ярим ҳимоячиси Одил Ҳамробеков ўтган ойнинг энг яхши футболчиси номига сазовор бўлди.

***Футбол бўйича жаҳон чемпионати кубогини дунё мамлакатлари бўйлаб олиб юрилиши анъанага айланган.***

# ЖАҲОН КУБОГИ ПОЙТАХТИМИЗДА

Илк марта 2006 йили Германияда ўтказилган жаҳон чемпионатидан олдин жаҳон кубоги дунё мамлакатларини айланиб чиққанди.

Россияда ўтадиган жаҳон чемпионатидан аввал жаҳон кубоги 221 кун давомида 90 та шаҳар бўйлаб олиб ўтилади. Кубок мазкур тадбир доирасида жами 149 минг километрдан ортиқ масофани босиб ўтади. Оғирлиги 6,175 килограммни ташкил этадиган жаҳон кубоги мундиалда зафар қучган барча мамлакатлар бўйлаб олиб ўтилишини таъкидлаш жоиз. Дарвоқе, ушбу кубокка жаҳон чемпионатида ғалаба қозонган ҳар бир мамлакатнинг номи ва ғалаба қозонган йили ўйиб ёзилган. Тадбир давомида бутун дунё бўйлаб 800 мингдан ортиқроқ одамлар кубок билан бирга суратга тушиш имкониятига эга бўладилар. Россияда ўтадиган жаҳон чемпионатидан олдин ўтказилаётган бу тадбир 123 кун давом этиб, Россиянинг 24 шаҳрини кезиб чиқади ва 26 минг километр масофани босиб ўтади. Ўтган йили жаҳон кубоги 15 та шаҳарда бўлди. Май ойидан Россиянинг яна 9 та шаҳрини жаҳон кубоги кезиб чиқади.

Олтинчи февраль куни жаҳон кубоги Тошкентга "ташриф буюрди". Бу футболимиз учун тарихий ҳодисадир. Чунки шу пайтга қадар жаҳон кубоги юртимизда бўлмаган эди. Кубокни кутиб олиш маросимида ўзбек спорти ва футболи мутасаддилари, Миллий Олимпия қўмитаси раҳбарлари ва мутахассислар иштирок этишди. Энди мазкур кубок Тошкентдан кейин Ашхобод, Ереван, Тбилиси, Боку ва бошқа мамлакатларга боради.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

# XXIII ҚИШКИ ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИ БОШЛАНДИ

***9 февраль куни Жанубий Кореянинг Пхёнчхан шаҳрида XXIII қишки Олимпия ўйинларининг очилиш маросими ўтказилди.***

Тўрт йилликнинг энг нуфузли спорт мусобақаларидан бири бўлган қишки Олимпия ўйинларида дунёнинг 90 дан зиёд давлатидан 3000 нафардан ортиқ спортчи 15 та қишки спорт тури бўйича ғолиблик учун рақобатлашади. Унда мамлакатимиз шарафини фигурали учиш баҳсларида Миша Ге ва тоғ чанғиси бўйича Комилжон Тўхтаев ҳимоя қилади.

8 февраль куни Олимпия шаҳарчасида терма жамоамиз шарафига Ўзбекистон давлат байроғи тантанали равишда кўтарилди. Унда мамлакатимиз Миллий олимпия қўмитаси раиси Умид Аҳмаджонов, мусобақа ташкилий қўмитаси ҳамда делегациямиз аъзолари иштирок этди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизнинг илк Олимпия медали ҳам қишки спорт тури бўйича қўлга киритилган эди. 1994 йили Норвегиянинг Лиллехаммер шаҳрида ўтган XVII қишки Олимпия ўйинларида Лина Черязова чанғи акробатикаси бўйича олтин медалга сазовор бўлган. Спортчиларимиз 1998 йил Нагано (Япония), 2002 йил Солт-Лейк Сити (АҚШ), 2006 йил Турин (Италия), 2010 йили Ванкувер (Канада), 2014 йил Сочи (Россия) шаҳарларида ўтказилган қишки Олимпия ўйинларида ҳам иштирок этган.

XXIII қишки Олимпия ўйинларига Миша Ге 2017 йил Финляндиянинг Хельсинки шаҳрида фигурали учиш бўйича ўтган жаҳон чемпионатида йўлланмани қўлга киритган бўлса, Комилжон Тўхтаев Италиядаги халқаро мусобақада Олимпиадада иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган.

Пхёнчхан шаҳридаги "Олимпия" стадионида ўтказилган мусобақанинг очилиш маросимида муҳташам стадион узра Ўзбекистон номи янгради ва терма жамоамиз аъзолари майдонга чиқиб келди. Тоғ чанғиси бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси Комилжон Тўхтаев делегациямиз байроғини кўтариб олганди.

Маросим сўнггида барча спорт ихлосмандлари нигоҳида XXIII қишки Олимпия ўйинлари машъаласи ёқилди.

Эслатиб ўтамиз: 25 февралга қадар давом этадиган мазкур мусобақада Миша Ге 16 февраль куни бошланадиган фигурали учишнинг қисқа дастурида, 17 февралда эса эркин дастур бўйича баҳсларга киришади. Комилжон Тўхтаев 18 февраль куни тоғ чанғисининг гигант слалом, 22 февралда слалом бўйича ўтадиган мусобақаларда омадини синаб кўради.

**Жавоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# ИЖОДИЙ ФИКРЛАШГА УНДОВЧИ ТАНЛОВ

***Пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги 144-умумтаълим мактабида Халқ таълими вазирлиги томонидан 9-10-синф ўқувчилари ўртасида чет тилидан иншолар кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилди.***

Ўзбекистон инглиз тили ўқитувчилари уюшмаси ва ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликдаги ушбу лойиҳада ўқувчиларнинг ижодий, мустақил фикрлаши, эзгу мақсад-муддаолари, орзу-интилишлари эркин тарзда ифодалангани эътиборга моликдир.

Мазкур маърифий лойиҳа давомида инглиз тилидаги иншолар танловига келиб тушган ижодий ишлар таҳлили орқали ўқувчилар энг кўп мурожаат қилган сўз ва сўз бирикмалари аниқланди. Танловнинг биринчи босқичида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан қабул қилинган жами 3 минг 200 дан ортиқ иншо "NVIVO 11" дастури ёрдамида ўрганилди ва уларда "I will", "I can", "Study", "Future" каби сўзлардан энг кўп фойдаланилгани маълум бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ўқувчи-ёшлар билан ишлаш бўлими мутахассиси Шероз Нарзуллаевнинг таъкидлашича, юртимиз мактабларида таҳсил олаётган инглиз тили билимдонлари иншоларида келажакни ўз қўллари билан қуриш ва ўзи яшаётган жамиятни ривожлантириб, ундаги такомиллаштирилиши керак бўлган соҳаларда ижобий янгиланишлар қилиш ҳақида гап борганини пайқаш мумкин. Кўплаб иншолар мамлакатимизда ҳозирги кунда яратилган имконият ва шароитлардан самарали фойдаланиш ва ўз кучи билан муваффақиятга эришиш орзу-ниятларини ўзида акс эттиргани билан аҳамиятлидир.

Кўрик-танловга топширилган ишлар экспертлар томонидан мазмун баёни равонлиги, савияси ва далиллар келтирилганлиги ҳамда таъсирлилиги бўйича баҳоланиб, улардан 42 таси республика босқичига танлаб олинди.

Иншолар танловининг мутлақ ғолиблари пойтахтимизда икки кун давомида ўтказилаётган ушбу интеллектуал мусобақа якунида маълум бўлади.

**(ЎзА)**





**Таълим**

# ИСТИҚБОЛИ ПОРЛОҚ ЁШЛАР

***Мамлакатимизда келажак авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол қилиб, ватанпарварлик, миллий мустақиллик ғояларига содиқлик руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

Ёшларни бой илмий, маданий ва маънавий меросимизга миллий умуминсоний қадриятларга асосланган ҳолда таълим-тарбия бериш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир.

Сергели туманидаги 6-сон Давлат ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактабида ҳам бу борада кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

— Ўқувчиларни она Ватанга садоқатли, халқимизга муносиб билимли инсонлар этиб камолга етказишда умумтаълим мактабларининг ўрни беқиёс каттадир, — дейди мазкур мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Нодира Маҳмудова. — Уларнинг онг ва тафаккурини теранлаштиришда, ахлоқий сифатларни ривожлантиришга йўналтирилган жараёнларда янги педагогик шакллар ва усуллар асосида дарс бериш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, истиқболли авлоднинг мукаммал билим олишида, жаҳон стандартларига жавоб берадиган инновацион технологик услуб ва йўналишлар билан сабоқ бериш уларнинг келажакда етук инсон бўлиб камолга етишини таъминлайди.

**(Ўз мухбиримиз)**

***Электр энергияси, табиий газ ва тоза ичимлик суви турмушимизнинг ажралмас қисмидир. Бир кунимизни ҳам уларсиз тасаввур қилишни истамаймиз. Аммо бу табиий бойликларни бизгача етиб келишидаги машаққатлар, улардан оқилона фойдаланиш ҳақида ҳар доим ҳам қайғуравермаймиз. Фойдаланилган табиий ресурслар учун тўловларни ўз вақтида тўлашни эса ҳаммамиз ҳам қойиллатмаяпмиз.***

# ТЎЛОВЛАРНИ ВАҚТИДА ТЎЛАЙЛИК!

Хабарингиз бор 2017 йил 29 майда давлатимиз раҳбарининг "Электр энергияси ва табиий газ етказиб бериш ҳамда истеъмол қилиш соҳасида тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, ижро иши юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони имзоланганди.

Ушбу ҳужжат электр ва газ таъминоти соҳасида бошқарув тизими, назорат қилиш ҳамда ҳисобга олиш механизмларини янада такомиллаштириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш ва жавобгарликни кучайтириш, шунингдек, ижро иши юритишнинг самарадорлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фармонга кўра ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси томонидан энергия ресурслари учун тўловларнинг ўз вақтида ҳамда тўлиқ ундирилиши, электр ва газ тақсимлаш тармоқларига ноқонуний уланиш ҳамда талон-торож қилиш ҳолатларини аниқлаш, бартараф этиш ва олдини олиш борасида қатор ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, бюронинг Тошкент шаҳар бошқармаси томонидан 2017 йилда пойтахтимизда истеъмолчиларнинг коммунал тўловлардан қарздорлик ҳолати ўрганилиб, уларни бартараф этиш бўйича чоралар кўрилди. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида электр энергиясидан бўлган қарздорлик 22 миллиард сўмга, табиий газники эса 32,4 миллиард сўмга камайтирилди.

Кўпгина фуқароларимизнинг бефарқлиги сабаб йиллар давомида фойдаланилган ресурслар учун тўловлар амалга оширилмаган. Натижада катта қарздорликлар юзага келган. Мисол учун, Олмазор тумани Бобожонов кўчасидаги 7/5-хонадон эгасининг электр энергиясидан 1 миллион 552 минг сўм қарздорлиги мавжуд бўлиб ўз вақтида тўловни амалга оширмаган. Шунингдек, Мухбир кўчасида жойлашган 7-хонадоннинг табиий газдан 3 миллион сўмдан ортиқ қарзи бор, "Чиғатой дарвоза" маҳалласи, Муҳокама кўчаси 4/13-уйда яшовчиларнинг эса 4 миллион сўмдан ортиқ қарзи бўлиб, огоҳлантиришларга қарамай тўланмаган. Бу эса уй эгаларининг тармоқдан вақтинчалик узиб қўйилишига олиб келди.

– Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 июлдаги қарори билан тасдиқланган "Истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларидан узиб қўйиш тартиби тўғрисида"ги низомга асосан бюро истеъмолчилар хабардор қилинган пайтдан бошлаб беш кун муддат ўтгандан кейин қарзларни мажбурий, шу жумладан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда истеъмолчиларни электр ва газ тармоқларидан узиб қўйиш йўли билан ундириш чораларини кўради, – дейди Мажбурий ижро бюроси Тошкент шаҳар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Иброҳим Шоюсупов. – Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланишда йўл қўйилган қоидабузарликлар бартараф этилганда, истеъмол қилинган электр энергияси ва табиий газ учун қарзлар тўланганда ҳамда электр ва газ тармоқларидан илгари узиб қўйилган шахсларни қайта улашда истеъмолчи — жисмоний шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида, истеъмолчи — юридик шахслардан энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдорида тўлов ундирилгандан сўнг электр ва газ тармоқларига қайта уланади. Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлашни истардимки, айрим фуқароларимиз етарлича маблағлари бўла туриб, тўловларни вақтида тўламасдан, вазият тармоқдан узишгача етиб келгандан сўнггина қарзларини тўламоқда. Бу эса бюро ходимлари учун кўпгина оворагарчиликларни келтириб чиқармоқда. Шуни инобатга олган ҳолда истеъмолчиларимиз тўловларни ўз вақтида тўласалар ўзлари учун ҳам, биз учун ҳам мақсадга мувофиқ бўларди.

Ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш, фуқароларимизда истеъмол маданиятини ошириш мақсадида Мажбурий ижро бюроси Тошкент шаҳар бошқармасининг туман бўлимлари томонидан аҳоли ва жамоатчилик ташкилотлари, ўқув муассасалари, маҳаллаларда 2017 йилнинг иккинчи ярим йиллигида 800 дан ортиқ ҳуқуқий тарғибот ишлари ўтказилди. Аммо барча фуқароларимиз ҳам олиб борилаётган тушунтириш ишларидан тўғри хулоса чиқармаяпти. Бунинг натижасида яна кўплаб қарздорликлар келиб чиқмоқда.

Шунингдек, таълим муассасаларида ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда "Истеъмол маданияти ёш танламайди", "Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш" мавзуларида вояга етмаган ёшлар орасида тарғибот ишлари олиб борилаётир. Тадбирларда энергия ресурслари ва сувни тежашга қаратилган видеоролик ва фото-слайдлар намойиш этилмоқда. Бу эса ёшларимиз онгида тежамкорлик, табиий ресурсларимизни асраб-авайлашга бўлган кўникмаларни шакллантиради.

Конституциямизнинг 55-моддасида: "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир", дейилган. Шундай экан табиий бойликларни асраб-авайлаш, уларнинг қадрига етиш, ортиқча исроф қилмасдан, тежамкорлик билан ишлатиш, истеъмол қилинган табиий газ, электр энергияси ва бошқа ресурслар учун тўловларни вақтида тўлаб бориш ҳар биримизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлмоғи лозим.

**Абдуалим САЛИМОВ**

**"101"**

# ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛАЙЛИК!

Ёнғин — "тилсиз ёв". Ундан ҳамиша эҳтиёт бўлиш учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилиш зарур. Халқимиз "Сув балосидан, ўт балосидан асрасин", деб бежиз айтмайди.

Куннинг кескин совушида электр иситиш мосламаларини назоратсиз қолдириш турли кўнгилсизликларни келтириб чиқаради. Электр иситиш мосламасидан фойдаланишда эҳтиётсизлик қоидаларига амал қилмаслик натижасида ёнғинлар содир бўлмоқда.

Жорий йилнинг 29 январь куни соат 19:06да Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ марказий диспетчерлик хизматига телефон орқали Яшнобод тумани, Зангори 1-тор кўчаси, 1А-уйда ёнғин содир бўлаётганлиги тўғрисида хабар тушган. Чақирилган манзилга Яшнобод туманини ёнғиндан муҳофаза қилувчи 15-ҲЁХҚнинг 2 та жанговар экипажлари юборилган. Тезкор ҳаракат натижасида ёнғин бартараф этилди. Лекин содир бўлган ёнғин натижасида уйнинг ички ва том қисми 70 кв. метр майдонда ёнғиндан зарарланди.

Ёнғин сабаблари ўрганилганда ушбу уйда яшовчи Р.Хожиевни уйнинг айвонида электр иситиш мосламасини электр қувватига улаб қўйиб, назоратсиз қолдириши оқибатида содир бўлганлиги аниқланди. Шу ўринда Ёнғин хавфсизлиги ходимлари яна бир бор ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишингизни эслатиб ўтади.

**Ғайрат РАСУЛОВ,**
**Яшнобод тумани ЁХБ**
**Ёнғинлар назорати ва профилактика бўлими ўринбосари, сержант**

* * *

Содир бўлаётган ёнғинларга кўп ҳолларда болалар сабабчи эканлиги ачинарли ҳол. Шу сабаб уларга ёнғин чиққанда бажарилиши талаб этиладиган тадбирларни содда тилда, қисқа ва лўнда қилиб тушунтириш лозим.

Бола онгида ўт балоси ҳақида тасаввур уйғотиш унинг иштирокида содир бўлаётган нохуш ҳолатлар камайишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши табиий. Бу борада ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчилари билан ёнғин хавфсизлиги қоидалари, унинг олдини олиш чоралари ҳақида жонли лавҳалар, кўргазмали қуроллар ёрдамида учрашувлар, суҳбатлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Аҳоли турар жойларининг ёнғин хавфсизлиги ҳолатларини текшириш, мавжуд камчиликлар ҳақида маълумотга эга бўлиш ҳам ёнғинларнинг олдини олишга хизмат қилади. Мазкур текширишларнинг бевосита маҳалла фаоллари иштирокида ўтказилиши ва жойида таҳлил қилиниши ҳудуддаги аҳолини ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жиддийроқ қараш, ёнғинни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этишга ундайди.

**Убайдулла ЛУТФУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президент девони биносини Ёнғиндан муҳофаза қилувчи Ёнғин хавфсизлиги бўлинмаси инспектори, сержант**

(Газетанинг навбатдаги сони 13 февралда чиқади).

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95 факс: (0-371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 235
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10877 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 00.30
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
12345